Ушбу сонда:
2 ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ОТАЛИҒИДА
3 Фармойиш ва шарх — КОНСТИТУЦИЯ БИЗГА НИМА БЕРДИ?
4 Санъат — УШАЛГАН ОРЗУ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

2001 йил 9 январ, сешанба №5 (1019)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«АНТЕКС» ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

Ўтган йил адоғида Шаҳрихон туманига қарашли Сегазақум қишлоғида жойлашган «Антекс» акциядорлик жамияти ўзининг аксарият ишлаб чиқариш ускуналарини янгилади. Цехларга Германия, Италия ва Швейцариядан келтирилган рақамли дастурий бошқарувга эга йигирув-тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Ушбу техник воситалар ёрдамида «Антекс» жамоаси бутун Фарғона водийсида энг сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади.

Корхона жорий йилда яна бир фабрикани ишга туширишни режалаштирмоқда. Унда болалар ва катталар учун уч миллион донагача тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИ УФҚЛАР САРИ

Дунёда халқлар кўп, эл-элатлар кўп. Урф-одат, расм-русум, анъаналар ҳам шунга яраша. Дейлик, кимлардир Янги йилни, учинчи мингйилликни ҳануз байрам қиляпти...

Янги йилни биз ҳам шод-хуррамлик билан кутиб олдик. Лекин, душанбадан яна одатдаги иш кунимиз бошланди. Рўзғорни бутлаш, хонадонни обод қилиш, соддароқ айтганда, тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетдик. Биз ўзи шундаймиз - бекор ўтира олмаймиз. Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз айтганларидек, кўнгил Яратгандаю қўл-ишда.

Янги йилнинг биринчи ҳафтаси Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учун ҳам қизғин меҳнат билан бошланди. Улар Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Олмаота шаҳрига тўпландилар.

Икки оғиз сўз Иқтисодий Ҳамжамият тарихи ҳақида. Маълумки, мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви минтақавий ҳамкорликдан бошланади. Зеро, ён-атрофдаги мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, товарлар, хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатини таъминлаш интеграция жараёнларини тезлаштириб, минтақа халқларининг тўқ-фаровон яшаши учун қулай шароит яратади. Мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш имконини беради.

Ана шу мақсадда 1993 йилда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йиллар давомида ўзаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича битим имзоланганди. 1994 йилда эса бу икки давлат ягона иқтисодий макон яратишга келишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Бошқача айтганда, ягона иқтисодий макон яратиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосига айланди. Шу боис 1998 йил Тожикистон ҳам ушбу ҳужжатни имзоладди. Айнан шу йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур тузилмага Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти деб ном берилди.

Яна Олмаота саммитига қайтамиз. Аввал хабар қилганимиздек, саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Қозоғистон Президенти саройида Иқтисодий Ҳамжамиятга аъзо давлат раҳбарлари - Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев, Имомали Раҳмоновларнинг тор доирадаги мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат расман «тор доирада» дейилсада, бу сўз ўзаро мулоқот кўламини ифода этолмайди. Чунки суҳбат мавзуи чекланмади. Президентлар минтақа халқлари тақдирига дахлдор барча масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

(Давоми 2-бетда).

ШИФОБАХШ ЧИЛЛАБУЛОҚ

Таклиф

Яккабоғ тумани Угин қишлоғидаги Чиллабулоқнинг суви шифобахш хусусиятга эга эканлигини илк бор шифокор Жўра ака Тошмемиров аниқлади.

1989 йилда қишлоқ аҳлини тиббий кўрикдан ўтказаётган шифокор хайратдан лол қолди. Одамларнинг барчаси соғлом, тетик, танасида бирон-бир касаллик аломатлари учрамади. Суриштиришлар натижасида шу нарсани аниқладики, қишлоқ аҳли Чинор ота дея эъзозлаб келинаётган зиёратгоҳдан чиқадиган Чиллабулоқ сувидан ичишаркан. Жўра ака қишлоқнинг отахон-онахонлари, кўпни кўрган кайвонилари билан суҳбатлашди.

Чиллабулоққа алоқадор ҳикоят ва ривоятларни тинглади. Чиллабулоқ сувини текшириб, унинг таркибида инсон организми учун шифобахш кимёвий моддалар борлигини аниқлади. Ўзининг хулосасига янада аниқлик киритиш ва ишонч ҳосил қилиш учун Тошкентдаги илмий текшириш институтларида бўлиб, булоқ сувини қайта-қайта текширувдан ўтказишга муваффақ бўлди.

Булоқ суви кам минераллашган, унинг таркибида сульфат гидрокардонат, кальций, ишқор, азот мавжуд бўлиб, темир, кремнийли кислота ва бошқа хил фойдали элементлар сув таркибини бойитган.

Н.А Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти мутахассислари қишлоққа келиб сув таркибини текширгач, ана шундай хулосага келинди.

Бу сув ошқозон яллиғланишининг барча турлари учун, жумладан йўғон ичак хасталикларига, жигар, ўт қопи ва камқонлик, ошқозон ости бези, ўн икки бармоқли ичакдаги яранинг барча турларига, аёллар организмида учрайдиган жинсий хасталиклар, шамоллаш, айниқса сариқ касаллигига фойдалидир.

Шифокорлар ва жамоатчилик фикрига кўра эндиликда бу ерда шифо маскани қуриш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда тадбиркорлар булоқ сувини идишларга жойлаб, «Ҳисор» номи билан сотувга чиқармоқдалар. Бироқ бу ҳали етарли эмас.

Ҳомий ташкилотлар топилса, ишбилармон тадбиркорларимиз бу ишга астойдил киришса Угин қишлоғида халқимиз учун ажойиб бир шифо маскани бунёд этиларди. Бу кўп савоб иш бўларди.

Балки шифокор ва қишлоқ аҳлининг Чиллабулоқ шифо маскани қуриш ҳақидаги фикрлари баҳслидир. Лекин бу масалага туман ва вилоятнинг давлат ҳамда жамоат ташкилотларини эътиборини қаратиш фойдадан ҳоли бўлмас. Зеро инсон саломатлиги, келажак авлод камолоти йўлидаги ҳар қандай ҳаракат, ташаббус эътиборга, қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

ФАХРИЙЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ХИЗМАТ

Ижтимоий ҳимоя

Қизилтепа туман ижтимоий таъминот бўлимида бугунги кунда 14.148 нафар нафақахўр ва ногиронлар ҳисобга олинган. Уларга ҳар ойда тўланадиган нафақа пули 113 миллион 35 минг сўмни ташкил этмоқда.

Улар давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, шундай кишиларга газ ёнилғисидан 502,3 минг, электр энергиясидан 472 минг, дори-дармондан 302608 сўмлик имтиёзли хизмат кўрсатилди. Бўлимга мурожаат қилган 106 нафар нафақахўр ва ногиронга 136 та ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, 4 нафар биринчи гуруҳ ногиронига махсус аравача берилди. Шунингдек, 13 нафар ногирон ортопедия маҳсулотлари олиш учун йўлланма билан таъминландилар.

Шу қаторда ёлғиз пенсионерларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳафтада икки марта улар аҳволидан хабар олиб туришибди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги Қарорига асосан 54 нафар ёлғиз нафақахўр ва ногиронлар туман ҳокимининг 2000 йил 29 мартдаги фармойиши билан оталиқ ташкилотларига биркитилди. Шу кунгача уларга 111 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

С. ЯРАШЕВ.

Меҳр-мурувват кўрсатиш, саховатпешалик халқимизнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Айниқса, байрамлар, тантанали кунларда меҳрибонлик, эзгулик ишлари янада кўпроқ бўй кўрсатади.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Янги йилни шодуҳуррамлик билан кутиб олдик. Унинг қувончлари болалар даврасида ҳамон давом этяпти. Катталарнинг ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари эса кичкинтойларнинг қувончига-қувонч қўшмоқда. Ана шундай тантаналардан бири Чирчиқ шаҳридаги Химиклар маданият саройида ўтказилди.

Бу янги йил арча байрамининг бошқаларидан бироз фарқи шунда бўлдики, байрамда ота-онасидан бевақт ажралиб қолган қариндош-уруғлари қўлида тарбияланаётган 500 нафар бола қатнашади. Байрамга Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен шаҳари ва Тошкент вилоятининг ўндан ортиқ туманларидан болалар қатнашди.

«Туркистон-пресс»

«ЎЗ ИШИМГА ТИКЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН»

Бир аризага икки хил муносабат

Адолатсизлик бўлмаса биров бировнинг устидан ёзармиди? Бу аёллар ҳам фақат ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида тегишли ташкилотларга хат йўллашган.

«Мен 1985 йилдан буён боғчада ишлаб келаётган эдим, — деб ёзади «Гулшан» болалар боғчаси собиқ тарбиячиси Ўролой Раҳмонова. — Энди бола тарбиясидаги меҳнат таътилим тугаганлиги сабабли мени ўз ишим билан таъминлашингизни сўрайман...».

Табиийки, Навбаҳор туман халқ таълими ходимлари касаба уюшма қўмитаси уларнинг аризасини атрофлича кўриб чиқди ва ХТБ мудири Эргаш Ҳамидовга ҳамда «Гулшан» болалар боғчаси мудираси Р.Ҳасановага ёзилган хатда ўз хулосасини шундай мухтасар баён этди: «Болалар боғчасида ишловчи Ўроқова Тўйбибиш ҳамда Раҳмонова Ўролойлар штат қисқариши туфайли ишсиз қолганлари тўғрисида ариза ёзишган... Ўроқова Тўйбибиш ҳамда Раҳмонова Ўралойлар ноқонуний ишдан бўшатилган деб топилди. Чунки, Меҳнат Кодексининг 197-моддасида 3 ёшгача боласи бор аёллар ҳеч қандай шароитда ҳам штат қисқаришига тушмайди деб ёзиб қўйилган. Ўроқова Тўйбибиш ноҳақ ишдан бўшатилганлиги сабабли беш ойдан бери ишсиз юрибди. Бўш юрган вақтларидаги иш ҳақини тўлаш ҳамда уларни иш билан таъминлашингизни сўрайман...

Ўн кун ичида юқоридаги ходимларнинг ишлари ижобий ҳал этилмаса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўламиз».

Таассуфки, то ҳанузгача аризачилар ҳақ-ҳуқуқини тиклай олганлари йўқ. Унга ҳар ким ҳар хил муносабатда бўлди, холос. Агар «Гулшан» болалар боғчаси мудираси Р.Ҳасанованинг жавоб хатида «боғчада болалар сони камайганлиги муносабати билан гуруҳлар ҳамда штатлар қисқарганлиги, ХТБ томонидан қисқартирилган 3 гуруҳга штат ажратилиб рўйхат берилса, Раҳмонова ҳамда Ўроқовалар иш билан таъминланиши» айтилиб масъулият туман халқ таълими бўлимига юклатилган бўлса, ХТБ мудири Эргаш Ҳамидов аввалига «бола топсанг штат бўлади» дегандай бўлди-ю, кейинчалик бу фикридан ҳам қайтди. Сабаби, агар уларни ишга тикласа бошқа иш ўрни қисқарганлар ҳам арз қилар эмиш.

Унда сингилларимизнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини ким ва қачон тиклайди? Мудир елка қисди. «Фақат, — деди у Нормурод Хидировга, — прокурорга сиз мурожаат қилманг, ўзлари кимга арз қилса қилишаверсин».

Воажаб. Аввало раҳбарлик фақат мансаб эмас, масъулият ҳам дегани. Яхши раҳбар баҳона эмас, имкон қидиради. Болалар боғчаларини, улардаги тарбияланувчилар сонини камайтиришни эмас, кўпайтиришни ўйлайди. Қонунни четлаб ўтмай, унинг ижросини таъминлайди. Ахир қонун барчага баробар эмасми?! Қоларверса, қонун бузилишига йўл қўймаслик касаба уюшмаларининг асосий вазифаси эканини ҳам тушунишингиз керак.

Ахир, муҳтарам Президентимизнинг қатор Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида жамиятимизда оналар ва болаларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш интеграция жараёнларини тезлаштириб, минтақа халқларининг тўқ-фаровон яшаши учун қулай шароит яратади. Мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш имконини беради.

Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, мени ўз вазифамга тиклашингизни илтимос қилиб сўрайман» жумлалари ва унга бўлган муносабат дилимизда оғриқ уйғотади.

Яхшиямки, фуқаропарвар ҳукуматимиз, инсонпарвар қонунларимиз бор. Туман ХТБда фақат меҳнат қонунларигина эмас, балки республика Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 3-бандидаги айрим талаблар ҳам бузилган. Хусусан, Фармонда «Марказий иситиш системасига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган норма доирасида ёнилғи ҳақи берилсин» дейилган. Холбуки, туман ХТБ томонидан берилган маълумотномага кўра биргина 2000 йил учун ХТБ 663 нафар ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ҳар биридан бир тоннадан кўмир ёки жами 3055,3 минг сўм қарздор. Ундан олдинги йиллар жумладан 1997, 1999 йилларда қанча кўмир олишгани ҳақида қанча уринманг, маълумот ололмайсиз. Навбаҳор туман ХТБда ана шундай ажабтовур ҳангомалар содир бўлмоқда.

Хуллас, Раҳмонова, Ўроқоваларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш масаласини касаба уюшма қўмитаси талаби асосида қонуний ва адолатли тарзда ҳал этишармикин ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аралашувигача бориб етармикин?

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ДИЛЛАРГА ШУКУҲ УЛАШИБ...

Янги асримизнинг илк йили Оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги келажакка дахлдор масъулиятли ишларни зиммамизга юклади. Жойларда айниқса, болажонларга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Бу борада Фарғона вилоятида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Вилоятда Оналар ва болалар йилига бағишланган дастлабки тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этила бошланди. Дастурга биноан вилоятдаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари қишки таътилни мароқли ўтказмоқдалар. Ўқувчи ёшларнинг кўпчилик қисми мураббийлар ҳамроҳлигида сўлим Шоҳимардон қишлоғида жойлашган соғломлаштириш масканида ҳордиқ чиқаришмоқда. Болажонлар турли маданий ва маърифий тадбирларда иштирок этиш билан бирга малакали шифокорлар назоратида ўз саломатликларини мустаҳкамлашмоқда.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ВАЪДАЛАР БИСЁРУ СУВДАН ДАРАК ЙЎҚ»

Газетамизнинг 2000 йил 27 октябр сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган эди. Унда қувур ёрилиб, сув ертўла ва кўчага оқиб исроф бўлаётгани, хонадонларда яшовчилар бу ҳақда тегишли идораларга арз қилганига қарамасдан мутасаддилар ваъдадан нарига ўтишмаётгани танқид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан қуйидагича жавоб олинди.

— Газетада кўрсатиб ўтилган камчиликлар махсус комиссия томонидан жойида ўрганилди ва далиллар тасдиқланди. Сеттепо мавзесидаги 69-«а» уйнинг юқори қаватларида яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида янги қувурлар ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди.

Айни пайтда шаҳар «Сувоқава» бошқармаси томонидан ушбу юмушлар ниҳоясига етказилди.

В.ОРКИН,
Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИ УФҚЛАР САРИ

(Боши 1-бетда).

Мулоқот чоғида минтақавий ҳамкорликнинг аҳволи, унинг истиқболлари атрофлича таҳлил этилди. Хусусан, иқтисод, фан-техника борасидаги ҳамкорлик минтақада тинчликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди. Мулоқот жуда эркин, ошкора, самимий руҳда ўтганлигини алоҳида таъкидлаш керак. У ёки бу масалага муносабатлар рўй-рост, ошкора айтилди. Шундай бўлгани ҳам маъқул. Ҳаёт бор экан, тирикчилик бор экан муаммо бўлади. Гап мана шу муаммоларни вақтида аниқлаб, уни биргаликда оқилона йўл билан бартараф этишда.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлисда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Тараққиёт банки фаолияти ҳамда банкнинг аудиторлик текшируви якунлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди. Шунингдек, мажлисда 1994 йил июл ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон ўртасида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Тараққиёт банкини МОҲТ таъсис этиш тўғрисида тузилган битимга ўзгартиришлар киритиш бўйича протокол, шунингдек Бишкекда МОҲТ банки шаҳобчасини очиш ҳамда Ҳамжамият Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин анъанага мувофиқ Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Терроризм инсоният учун энг катта хавфга айланиб бормоқда. Афсуски, ҳар бир киши ва барчанинг тақдирига дахлдор бу муаммо борасида турли хил сиёсий ўйинлар, арзонгаров гаплар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мазкур матбуот анжуманида Рейтер агентлигининг мухбири террорчиларнинг эҳтиноли бор баҳорги хуружи ҳақида тўхталар экан, қўрқмайсизларми, деган маънода киноя савол ташлади.

Халқаро террорчи гуруҳлар Тожикистон ҳудудидан Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқулиб кириб, икки йилдан бери тинчлигимизни бузишяпти, - деди Ислом Каримов. - Покистон ва Афғонистон харбий лагерларида пухта тайёргарликдан ўтган бу газандалар ва уларнинг ортида турган кимсаларнинг ниятлари бизга маълум: ёвуз кучлар Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариб, бизни дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришмоқчи.

Террорчиларнинг хуружлари олдиндан тайёрланган режа бўйича кечаётганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу ҳуружнинг 2001 йилда ҳам такрорланишига биз асло йўл қўя олмаймиз.

МДҲ давлат раҳбарларининг Минск саммитида мен бу хавф фақат Марказий Осиёга эмас, бошқа минтақа ва ҳудудларга ҳам дахл қилишини айтиб, халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб боришга чақирган эдим. Менинг бу таклифимни МДҲ давлат раҳбарлари маъқуллашди. Демоқчиманки, бу масалада биз ҳамфикрмиз. Қўл қовуштириб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Имконимиздаги барча воситаларни ишга солиб, босқинчиларга қақшатқич зарба беramиз. Гап чекланган, аниқ, яъни превентив зарбалар эмас, суверен давлатларнинг қонуний ҳаққи - ўз чегараларини ҳимоя этиши ҳақида кетяпти.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маълумки, Жанубий Қозоғистон, Олмаота, Жамбул вилоятлари ишлаб чиқариш ва маиший эҳтиёжлари учун газни Ўзбекистондан олади. Тўловлар вақтида амалга ошмаётгани учун Ўзбекистон газ узатишни тўхтатиб қўярмиш, деган миш-мишлар юрибди.

- Қозоғистонлик бирадарларимиз хотиржам бўлишсин. Ваҳимага асло ўрин йўқ,- деди Президент Ислом Каримов. - Газ бўйича икки мамлакат ҳукуматлари даражасида шартнома тузилган. Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажарган ва бундан кейин ҳам бажаради. Тўғри, нархларни қайта кўриб чиқишимиз керак. Биз газни Қозоғистонга арзон нархда сотяпмиз. Ваҳоланки, жаҳон бозорида 1000 метр куб газнинг баҳоси 50 долларга чиқди. Нарх бўйича Қозоғистон ҳукумати билан музокаралар олиб бориляпти, ўйлайманки, бу масала ижобий ҳал этилади.

Олмаота саммитида Ўзбекистон Ҳамжамиятнинг фаолият доирасини кенгайтириш, уни Форумга айлантириш таклифини ўртага ташлаган эди. Президентимиз мазкур таклифнинг моҳиятини журналистларга атрофлича тушунтириб берди.

- Иқтисодий Ҳамжамият ўзаро муносабатларимизнинг маълум босқичида муҳим вазифани бажарди,- деди давлатимиз раҳбари. - Лекин, очиқ-ойдин тан олиш керак: У бугун замон талабларига жавоб бермай қолди. Худди МДҲда бўлганидек, ҳамжамиятнинг ҳам қабул қилинган кўплаб ҳужжатлари ишламаяпти.

Бизнинг фикримизча, минтақавий ҳамкорлик фақат иқтисод билан чегараланмаслиги керак. Барчамизга дахлдор талай масалалар борки, уларни фақат биргаликда ҳал этиш мумкин. Ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, Форум харакатида жамиятнинг кенг қатламлари - ишлаб чиқарувчилар, олимлар, фан, маданият, санъат арбоблари, тижоратчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам иштирок этади. Биз Форум ғоясини кўр-кўрона иҳрож этиш тарафдори эмасмиз. Ҳамжамиятга аъзо давлатлар Ташқи Ишлар вазирликларига, экспертлар гуруҳига топшириқ берилган: ҳозир улар Форум имкониятларини ўрганишмоқда. Ҳамжамиятнинг апрел-май ойларида Тошкентда ўтадиган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилади.

Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги кенгаши ўз ишини якунлади. Ватанга қайтиш учун Олмаота аэропортига йўл олар эканмиз, қор ёға бошлади. Ҳаммани зориқтирган, соғинтирган оппоқ-оппоқ қор!... Қор ёруғлик, қут-барака даракчиси.

Илоҳим, эзгу ниятлар, орзу-армонлар билан янги асрга, янги минг йилликка қадам қўйган қадим Туркистон фарзандларининг ризқи бутун, толейи баланд бўлсин!

Муҳаммад РАҲМОН,
Тошкент-Олмаота-Тошкент.

Бор бўл, оқибат!

«МУРУВВАТ УЙИ»ГА СОВҒАЛАР

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши заиф эшитувчи, ногирон болалар мактаб-интернати тарбияланувчилари, маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг 300 нафардан зиёд фарзандларига янги йил совғаларини топширди.

«Мурувват ўн кунлиги»да вилоят тармоқ касаба уюшмалари фаол иштирок этишаяпти. Вилоят Давлат муассасалари ва жамоат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Зоминдаги аёллар «Мурувват уйи»га 30 минг сўмлик маблағ ажратган бўлса, вилоят касаба уюшмалари кенгаши маблағидан 50 минг сўмлик совға-саломлар Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига улашилди.

Ҳозиргача вилоят касаба уюшма ташкилотлари «Мурувват ўн кунлиги»га 3 миллион 790 минг сўм, хўжаликлар ҳисобидаги маблағдан эса 5 миллион 450 минг сўм ажратдилар. Бунда вилоят электр тармоқлари, вилоят газлаштириш, «Жиззаҳдон» идоралари бошқаларга намуна бўлишди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган йирик провайдерлардан бири UzReport ахборот-таҳлил агентлиги UzAIG суғурта компанияси ҳамда ABN AMRO банк ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзолади.

UzReport ахборот-таҳлил агентлигининг директори Анвар Йўлдошев тузилган шартномалар хусусида гапирар экан, имзоланган ҳужжатлар Интернет соҳасида томонлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга, яъни жаҳон ахборот тармоғи орқали Ўзбекистонда суғурта ва банк дастурини ташкил этишга қаратилганлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, UzReport UzAIG Ўзбекистон-Америка компанияси билан ҳамкорликда Интернетда суғурта бўйича хизмат кўрсатувчи базани барпо этади. Бу кўпгина хорижлик саёҳатчиларга ёки чет элга борадиган юртдошларимизга жаҳон ахборот тармоғи орқали у ёки бу мамлакатда ўзларини, шунингдек, мулки ва уй-жойини суғурта қилиш имконини беради. Тошкентда ўз ваколатхонасига эга бўлган жаҳондаги йирик банклардан бири ABN AMRO банк билан имзоланган иккинчи шартнома эса электрон савдони ривожлаштиришдаги ҳамкорликни кўзда тутади.

Бу 1999 йилнинг иккинчи ярмидан ўз фаолиятини бошлаган UzReport агентлигининг янги йўналишларидир. Асосий мақсад Ўзбекистон иқтисодиёти билан қизиқаётган хорижлик инвесторларни зарур ахборот билан таъминлашдан иборат. Агентликнинг ахборот порталида 14 та ихтисослаштирилган сайт мавжуд бўлиб, улар ўзаро боғланган ва турли фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Тизимдаги ҳар бир сайт ўз интерфейс-қиёфасига ва йўналишига эга. Ахборот оқимини таъминлаш инглиз ва рус тилларида олиб борилиб ,улар ҳар кунги янгиликлар, таҳлилий ахборот, маълумотнома ҳамда биржа янгиликлари кўринишида берилади. Ушбу маълумотларни тайёрлашда иқтисодиёт, бизнес, молия соҳаларининг мутахассислари, ахборот технологиялари бўйича маслаҳатчилар ҳамда тажрибали журналистлардан иборат UzReport жамоаси иштирок этади. Бундан ташқари, кўпгина янгиликлар «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги, Жаҳон банки, Ўзбекистон Уй-жойжамғармабанк ва агентлик билан мунтазам ҳамкорлик қиладиган бошқа ташкилотлар орқали ҳам олинади.

ЭЪЗОЗ

Қаердаки кишининг меҳнати қадрланса, ўша ерда ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори, меҳнаткашнинг кайфияти аъло бўлади. Бу эса барча муваффақиятлар омилидир.

Қашқадарё вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Тоштемир Норбеков қарийб 40 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб, ўз жамоаси ҳурматига сазовор бўлганлардан. У касабақўмликка сайланган кунданоқ корхона ишчилари ижтимоий ҳимояси йўлида фаол иш олиб бормоқда. Яқинда у қўшалоқ байрам Янги аср ва — 60 йиллик тўйини нишонлади. Шу куни корхона жамоаси узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган Тоштемир ака билан бирга Геннадий Шишкин, Раҳмонқул Нурқуловларни ҳам муносиб тақдирлаб, эсдалик совғалари билан сийлади. Т.Норбековга эса Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Суратда: вилоят тармоқ қўмитаси раиси Исоқ Аҳмедов юбилярни қутламоқда.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ҚАРОВЧИСИ ЙЎҚЛАРГА БИР БОШДАН СИГИР

Деҳқонларимиз ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил олиб келишади. Биз ҳам улар меҳнатининг қадрига етишга ҳаракат қиляпмиз. Чунончи ўтган йилнинг ўзида бола тарбияси билан банд бўлган оналарга 11 тонна мош, 1 тонна шоли, 800 килограмм зиғир, 14 тонна гўшт маҳсулоти ва 245 бош қўй-эчки, қорамол берилди. 2 ёшгача болалар нафақаси учун 2 миллион 867 минг сўм тарқатилди.

Хўжалик аъзоларининг 114 нафар ўғил-қизлари тумандаги Қулниёзов номли, «Хонжиза» оромгоҳларида бепул дам олдирилди.

Маъмурият ва касабақўм ташаббуси билан мавжуд 6 та қишлоқда биттадан футбол, волейбол майдонлари барпо этилиб, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига шароит яратилди.

Хўжалигимизда яхши бир анъана амал қилмоқда. Яъни, жамоа шартномамизга мувофиқ қаровчиси йўқ ишчи-хизматчиларга бир бошдан соғин сигир бериб борилаётир. Ўтган йилда Хадича Бобохонова, Исмат Бердиев, Абдураим Хидиров, Абдумалик Лолахонов оилаларига ана шундай ҳиммат кўрсатилди. Бу хайрли иш амалдаги йилда ҳам давом эттирилади.

Муҳаммади УЛАЕВ,
Узун туманидаги Б.Очилдиев номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

Хўжайли туманидаги Қорақалпоғистон-Люксембург «Аис-Жайхун» қўшма корхонасининг маҳсулотларига талаб катта. Бу ерда болалар учун беш турдаги музқаймоқ ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ўтган йилни 3 миллион сўмдан зиёд фойда билан якунлади.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Жамоа аъзолари Оналар ва болалар йилида улкан вазифаларни амалга оширишни режалаштирганлар. Корхона раҳбари Т.Уринбоевнинг берган маълумотига кўра, жорий йилнинг дастлабки ойларидан бошлаб тайёр маҳсулот Қозоғистон Республикасининг савдо шохобчаларига ҳам сотила бошлайди. Шунингдек, маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ОТАЛИҒИДА

Хоразм вилоят Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси раислар кенгаши Соғлом авлод Давлат дастурини бажариш борасида қатор ибратли тадбирларни амалга оширди. Хусусан, кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган, ногирон болаларни тарбиялаётган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазасини янада яхшилаш мақсадида 714 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу маблағнинг 500 минг сўми касаба уюшмалари ҳисобидан берилди. Бундан ташқари ногирон болаларни тарбиялаётган саккиз нафар оила мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган.

— Меҳнаткаш аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида уларни режали тиббий кўрикдан ўтказишни йўлга қўйганмиз, - дейди кенгаш раиси С.Худойберганова. — Ушбу тадбирлар билан боғлиқ ҳаражатлар жамоа шартномаларида белгиланганидек, хўжалик, ташкилотлар ҳисобидан амалга оширилди.

2001 йил - Оналар ва болалар йили

Таъкидлаш жоизки, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш касаба уюшмаларининг бош мақсадларидан бирига айланган. Хусусан, «Ҳилол» санаторий-профилакторийсида 30, республиканинг бошқа сиҳатгоҳларида 28 нафар аёл ўз фарзандлари билан ҳордиқ чиқарди. Шунингдек, вилоятдаги санаторий-профилакторийларда 315 киши, мамлакатимизнинг бошқа шифо масканларида эса 227 нафар меҳнаткаш соғломлаштирилди. Ушбу тадбирларга касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 6 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Дарҳақиқат, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Шу маънода ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ходимларнинг саломатликларини тиклаш имконияти яратиб берилгани кўпчиликни қувонтирди.

Шунингдек, ёзги мавсумда меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилиб, тармоқ касаба уюшмасига қарашли «Ғайрат», «Боғи эрам» болалар оромгоҳларида 1287 нафар, Тошкент вилояти оромгоҳларида эса тармоқ ходимларининг 36 нафар фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқардилар. Бу муҳим ишга оналар ва болалар йилида алоҳида эътибор берилади.

Ҳар бир байрам арафасида эҳтиёжманд оилаларга хайрия ёрдами кўрсатиш, саломатликларини тиклашлари учун моддий кўмак бериш ҳам одат тусига кирган. Ўтган давр мобайнида шу мақсадларда 27,5 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди. Болалар уйлари, мактаб интернатлари бундай саховатдан четда қолмадилар. Уларга зарур жиҳозлар учун маблағ ажратилди.

«Спорт — соғлом авлод таянчи» шиорига амал қилган вилоят касаба уюшмалари тармоқ спартакиадаларини ўтказиш, турли спорт мусобақаларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бераётганини таъкидлаш лозим.

Мазкур йилда амал қиладиган жамоа шартномалари ҳамда Битимларга ҳам оналар ва болаларни аввалги йилларга нисбатан кучлироқ ижтимоий ҳимояга олиш юзасидан муҳим ўзгартишлар киритиш кўзда тутилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA

НЬЮ-ЙОРК. БМТ 1999 йилнинг ноябрида «Толибон» ҳаракатига қарши эълон қилинган халқаро иқтисодий жазони бироз енгиллаштиришга қарор қилди.

БМТ қарорига кўра, Афғонистоннинг «Ариана» ҳаво йўллари компанияси ўзининг хорижий банклардаги маблағларидан яна фойдаланадиган бўлди. Шунингдек, «Толибон» ҳаракати мамлакат ҳудудидан учиб ўтувчи хорижий самолётлардан келадиган даромаддан ҳам фойдаланиши мумкин.

* * *

ИСЛОМОБОД. Покистон ташқи ишлар вазири Абдулсаттор мамлакат ҳарбий ҳукумати раҳбари Парвез Мушаррафнинг Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи билан музокара ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Расмий Исломобод икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни яхшилашга хизмат қиладиган бу музокарани Деҳлида ташкиллаштиришга ҳам тайёр, деди вазир.

* * *

БЕЛГРАД. АҚШ ҳукумати расмий Белградга қарши қўллаётган иқтисодий жазосини яқин вақтларда бекор қилиши мумкин. Бу ҳақда Югославия ташқи ишлар вазири Горан Свиланович маълум қилди.

Унинг айтишича, транспорт, молиявий ҳамда савдо борасидаги чекловлар тўхтатилади.

* * *

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати Косовода жиноий гуруҳларга қарши курашувчи махсус полиция бўлимини очмоқчи.

Бу бўлим, асосан, ўлкадаги наркотик моддалар савдоси ҳамда ноқонуний муҳожирларни Европага ўтказиш билан шуғулланаётган гуруҳларга қарши кураш олиб боради.

* * *

ТОКИО. Япония ташқи ишлар вазири Иохэй Кононинг хорижий давлатларга сафари бошланди.

Вазир ўн кун давомида Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт, Саудия Арабистони, Швеция ҳамда Россияда бўлади. У мазкур давлатлар расмий вакиллари билан учрашиб, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

* * *

ДУШАНБЕ. Тожикистон афғонистонлик қочқинларни қабул қилишга ҳали тайёр эмас, деди Тожикистон ташқи ишлар вазирлиги вакили Игор Саттаров.

Унинг айтишича, қочқинларнинг Тожикистонга ўтиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни оғирлаштириши мумкин. Чунки, қочқинлар орасида нафақат тинч фуқаролар, балки қуролланган одамлар ҳам бор.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида юзга яқин одам қурбон бўлди.

Хабарларга қараганда, ҳарорат 18-22 градусгача совиб кетган. Одатда шимолий ҳудудларда об-ҳаво ҳарорати нол градусдан пастга тушмас эди. Нобуд бўлганларнинг кўпчилиги уй-жойи йўқ одамлардир.

* * *

ПЕКИН. Хитойлик олимлар шу йил ўнинчи январ оқшомида янги асрнинг биринчи ой тутилиши юз беришини маълум қилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ҳодисани Американинг шимолий ҳудудларида, Африка, Европа ва Осиё, шунингдек, Тинч океани ғарбидаги давлатларда бемалол кузатиш мумкин. Ой тутилиш уч соату 17 минут давом этади.

* * *

ПХЕНЯН. Шимолий Корея АҚШ билан тезроқ тинчлик битимига эришиш ниятида. Бу Корея яриморолида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамланиши ҳамда шимол билан жанубнинг бирлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди расмий Пхенян вакили.

* * *

ВАШИНГТОН. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) директорлари кенгаши Хитойнинг ХВЖдаги улушини 8,4 миллиард АҚШ долларига кўтаришга қарор қилди.

Илгари бу кўрсаткич 6,2 миллиард долларни ташкил қилар эди. ХВЖ вакилининг билдиришича, 1997 йилда Гонконгнинг яна Хитой таркибига киритилгани Пекиннинг жамғармадаги улушини оширилишига сабаб бўлди.

(ЎзА).

NIMA GAP

Фармойиш ва шарҳ

КОНСТИТУЦИЯ БИЗГА НИМА БЕРДИ?

Яқинда бир маъмурий идорага кириб, қуйидаги манзарага дуч келдим. Бу ерга ариза билан келган қишлоқ одами идора раҳбарига «Мен Сиздан ортиқча нарса талаб қилаётганим йўқ, фақат ўз конституциявий ҳуқуқимни талаб қиляпман, холос», деяётган эди... Рости, бу биз учун кутилмаган ҳолат эди. Гап инсоннинг айнан ўзининг конституциявий, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонунида белгилаб қўйилган ҳуқуқини талаб қилаётганлигида бўлиб, бу демократик ҳуқуқий давлат сари интилаётган фуқароларимиз янгича фикр юритаётганларига яққол мисол бўла олади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини ўқидиму ушбу нарсалар хаёлимдан кечди. Бу Фармойиш ҳаёт тақозо қилаётган, таъбир жоиз бўлса, барчанинг қалбидаги гапларни ўзида мужассам этганди. Зотан ўз давлати конституциясини мукаммал билиш ва унга амал қилиш ҳар бир давлат кишисининг фуқаролик бурчидир. Фармойишда таъкидланганидек, Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришда беқиёс аҳамиятга эга.

Мақоламиз бошида келтирилган мисолда жамиятимиз фуқароларининг сиёсий онгидаги замонга хос ўзгаришлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Сир эмаски, мустабидлик тузуми фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал равишда билишларидан асло манфаатдор эмасди. Оддий халқнинг ҳуқуқий онги, билими қай даражада паст бўлса, уни бошқариш, итоатгўйликка олиб келиш мазкур сиёсий устқурма учун шу даражада осон ва қулай кечарди. Мустақилликни қўлга киритгач, фуқароларимизнинг аксарият қисми ўз сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта аҳамият бера бошлаганлиги ҳам улар баайни мана шу нарсаларга ўта чанқоқ бўлиб келганликларидан далолат бериб турибди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида давлат конституцияси фан сифатида ўқитилиши бизга маълум. Давлатимиз мустақилликни қўлга киритгач, Асосий Қонунимиз истиқлол руҳи билан суғорилган ҳолда дунёга келганлиги катта ижтимоий-сиёсий воқеадир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармойишига кўра уч ой муҳлатда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курсларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, етти ой мобайнида барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларни, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус адабиётларни яратиш, чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил қилиш топширилганлиги бу масалага нечоғлиқ катта аҳамият берилаётганини кўрсатиб турибди.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб эса мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитиш бошланади.

Ҳа, республикамиз Конституциясини ўрганишни ташкил этиш вазифасини олдимизга ҳаётнинг ўзи ғоят муҳим, кечиктириб бўлмас масала тарзида қўйган эди. Ана шу улкан сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбир кенг миқёсда амалга ошиши учун энди катта имкониятлар эшиги очилди. Мустақил давлат фуқаролари ўз Асосий Қонунини тубдан ўрганишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади. Бу нарсалар мамлакатимиз раҳбарининг Фармойишида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Қодиржон СОБИРОВ.

Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳи хазиначиси Н.Саидов даста-даста пулларни кўриб, нафсини тиёлмай қолди.

Эндигина салкам ярим миллион сўмни сохта ҳужжатлар асосида жиғилдонига уриб, ширин хаёлларга берилганида прокуратура ходимлари унинг «кайф»ини бузишди. Самарқанд агротижорат коллежи хазиначиси Н.Тўраевнинг нафси янада ўпқонроқ экан. У талабаларга бир ой учун икки мартадан стипендия ёзиб, давлатнинг 912 минг сўмини ўзлаштирди. Бу қинғир ишда унга бош ҳисобчи А.Қурбонов, ҳисобчи Ф.Қурбонов ҳам шерик бўлишган ва юқоридагидан ташқари яна 354 минг сўмни қалбаки ҳужжатлар орқали талон-торож қилишган.

СТИПЕНДИЯНИ СУВ ҚИЛИШДИ

Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи омбор мудири Б.Маҳмудов эса етим болалар ризқига кўз олайтиришгача бориб етди.

Самарқанд кооператив тижорат коллежида иш ҳақи, хизмат сафари, моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам учун белгиланганидан анча ортиқ маблағ сарфлаб юборилган. Шартнома асосида билим юрти хазинасига кирим қилинган 311,1 минг сўм нақд пул банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилмаган. Бундан ташқари, талабалар билан билим юрти ўртасидаги шартнома шартлари бажарилмаган. Бошқача айтганда, талабаларга шартнома асосида тўланиши лозим бўлган маблағлар ўз вақтида тўланмаган.

Вилоят прокуратураси ва бошқа тартибот органлари ҳуқуқ томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган юқоридаги каби ноқонуний ишларга чек қўйилиб, маблағлар ўз жойига қайтарилди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Газетхон илтимосига кўра

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

(Боши. Ўтган йилнинг 181-182-сонларида)

б) тарбиячилар ва раҳбар ходимлар, тўгарак раҳбарлари, мусиқа таълими раҳбарлари, болалар уйи руҳшунослари;

в) қайси идорага тегишлилигидан қатъий назар, барча турдаги мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари, тарбиячилари, раҳбар ходимлари, тарбиячи методистлар (катта тарбиячилар), жисмоний тарбия бўйича инструкторлар, мусиқа таълими раҳбарлари, руҳшунослар, ўқитувчи-логопедлар, ўқитувчи-дефектологлар, чет тили муаллимлари;

г) мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бўлимлар, секциялар, лаборатория, кабинет мудирлари, методистлар, тўгарак раҳбарлари, маданий ишлар ташкилотчилари, жўр бўлувчи созандалар (аккомпониаторлар), концертмейстерлар, руҳшунослар;

д) ҳунар-техника таълими тизимидаги ўқув юртлари директорлари, муассасалар, ўқув юртлари раҳбарларининг хўжалик иши бўйича ўринбосарига мазкур имтиёзлар қўлланилмайди, ҳарбий чақириққа тайёргарлик бўйича раҳбарлар, муаллимлар, ишлаб чиқариш таълими усталари, катта усталар, методистлар, методик кабинетлар мудирлари, лаборантлар, кутубхона мудирлари, кутубхоначилар;

е) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия резерв мактаблари директорлари, уларнинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, инструктор-методистлари, концертмейстерлари, жўр бўлувчи созандалар, руҳшунослар;

ж) Халқ таълими ва Маданият ишлари вазирликларининг санъат, мусиқа мактаблари директорлари, уларнинг ўринбосарлари, ўқитувчилар, концертмейстерлар, руҳшунослар ва бошқалар.

Бундан кейинги матнларда қайд этилган шахслар «педагог ходимлар» деб юритилади.

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар педагоглик ишида камида ўн йил меҳнат стажига эга бўлган педагог ходимлардан иборат нафақахўрларга жорий этилади.

5. Коммунал хизматларга (сув таъминоти, газ, электр энергия, иссиқлик энергияси) тўлов бўйича имтиёзлар давлат ва идоравий жамғармасидаги уйларда, турар-жойдан фойдаланиш идорасига (ЖЕК) қарашли уйларда ва фуқароларнинг шахсий мулк ҳуқуқида бўлган уйларда истиқомат қилувчи педагог ходимларга берилади.

6. Қишлоқларда ва шаҳар типидаги қўрғончаларда истиқомат қилувчи педагог ходимлар квартира ва коммунал хизматлар тўловидан озод қилинади.

Шаҳарда истиқомат қилувчи педагог ходимлар бу хил тўловлардан 50 фоиз миқдорида озод қилинади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан имтиёзли тарифда фойдаланувчи аҳоли учун электрдан фойдаланиш ҳажмини белгилаш тўғрисида»ги 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарорига мувофиқ электр энергиясидан фойдаланиш меъёри 1993 йил 1 декабрдан ойига 110 квт. соат миқдорида белгиланади.

Белгиланган меъёрдан ортиқ фойдаланилган электр энергияси учун амалдаги тариф тартибида ҳақ олинади.

8. Педагог ходим уйида марказий иситиш қурилмаси бўлмаган тақдирда унга ёнилғи учун белгиланган нормада товон тўланади.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 15 январ қарорига мувофиқ мактаб ўқитувчилари шаҳар транспортидан (такси, маршрутли такси, Тошкент шаҳридаги метро бундан мустасно) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўқитувчиларнинг бепул юриши учун маблағ маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилади.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Қалам ҳақи миқдорини ошириш ва фахрий унвон учун қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 1993 йил 7 июн 274-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими хизмат кўрсатган ходими» унвонига эга бўлган шахсларга қўшимча ҳақ тўлаш белгиланади.

11. Меҳнат Вазирлигининг 1994 йил 14.06. даги 793/03-2 сонли хатига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг концертмейстерлари учун йиллик меҳнат таътили 1994 йилдан 48 кун деб белгиланади.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорининг 14-банди ва 19-иловасига биноан табиий газ бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун янги тариф нормалари қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича Молия вазирлиги ўзининг 1999 йил 11 январ 06-03-17/54-сонли хати орқали қуйидагиларни маълум қилади:

А) бир оилага ойига 40 кв.м. иситиладиган майдон учун: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 240 куб.м., Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда эса 220 куб.м. газга (бир оиладаги имтиёздан фойдаланувчилар сонидан қатъий назар) имтиёз белгиланган;

Б) овқат тайёрлаш учун фойдаланишда:

* Марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 9 куб.м. имтиёз белгиланган.

* Марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 12,5 куб.м. имтиёз белгиланган.

Ушбу белгиланган имтиёзлар бўйича ҳисобкитоблар 1999 йилнинг 1 январидан амалга оширилади.

(Давоми бор)

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Савол: «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонунга асосан уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ҳафтасига 35 соатдан ошмаган - қисқартирилган иш куни белгиланган. Мен ишлаётган туман Марказий касалхонасининг юқумли касалликлар бўлимида ходимлар кўплиги сабабли ҳафтасига 24-18 иш соати тўғри келмоқда. Юқоридаги имтиёздан мен қандай фойдаланишим мумкин?

Дилфуза Жўраева,
Олот тумани, Жумабозор фуқаролар йиғини, «Зарафшон» жамоа хўжалиги.

Жавоб: 1999 йилнинг 14 апрелида «Аёллар йили» муносабати билан болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унга асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланган.

Бу қонун Меҳнат кодексига алоҳида 228-1-модда қилиб киритилди.

Сизнинг иш соатингиз ҳафтасига 24-18 соатни ташкил қилар экан. Демак бу Қонун Сизга тааллуқли эмас.

Савол: Ёшим 70 да. Йигирма йилдан буён маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келаяпман. 1994 йилдан 1998 йилга қадар 50 фоиз пенсия олиб келдим. «Ишонч» газетасининг 1999 йил 7 апрел сонидаги жавобга асосланиб ҳар йили икки ойдан тўлиқ пенсия олишим мумкин, деган фикрга келгандим. Лекин туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар нотўғри тушунибсиз, дейишмоқда. Шу ҳақда аниқ маълумот берсангиз.

Султон Файзиев,
Зомин тумани, Олмазор кўчаси, 4-уй.

Жавоб: 1995 йил 19 декабрда тасдиқланган ва Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»га ҳамда Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликларининг биргаликда тайёрлаган 202/04-1 ва 669/05 хатларига мувофиқ ишлаётган пенсионерларга уларнинг розилиги билан йилда бир маротаба икки ойга муддатли меҳнат шартномаси тузиш ва пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқи берилган.

Уларнинг иш жойларида иш юритишни мураккаблаштирмаслик мақсадида пенсияларини тўлиқ тўлаш ва икки ойлик муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга ўтказиш учун битта буйруқ чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолларда пенсионерлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ва тузиш ҳақида алоҳида-алоҳида буйруқ чиқарилиши шарт эмас.

Жумладан, буйруқ қуйидаги матнда бўлиши мумкин:

«Мухандис Анвар Қодировни, унинг розилиги билан ўз вазифаси бўйича 2000 йил 1 октябрдан 2000 йил 1 декабригача икки ойлик муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлашга ўтказилсин.

Асос: Қодировнинг аризаси.»

Мана шу кўрсатилган давр давомида ходимга пенсия 100 фоиз миқдорида тўланади.

Бу ҳолда пенсионер икки ойдан кейин ишлашни яна давом эттирса, яъни иш берувчи ва ходим томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинмаса, у ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган ҳисобланиб, муддатли меҳнат шартномаси ўз моҳиятини йўқотади. Ходимга пенсия 50 фоиз миқдорида тўланади.

Демак, муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаган пенсионерлар, икки ой муддат ўтгандан сўнг уларнинг меҳнат шартномаси бекор қилингандагина, бу даврдаги (ишламаётган вақтидаги) пенсияларини тўлиқ олишга ҳақли бўладилар.

Шундай экан ишлаётган пенсионер йилда бир маротаба икки ой муддат давомида тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўтиб кетган йиллар учун бундай ҳуқуқдан фойдаланолмайди.

Сиз бунга нима дейсиз?

УЛАРНИ КИМ ДЕБ АТАЙЛИК?

Хотин-қизларни ҳаётимиз гуллари, дея эъзозлаймиз. Гўзаллик тимсоли бўлмиш умри азизларнинг фидойи меҳнати, жонкуярлиги каби фазилатлари ҳақида кўплаб гапириш мумкин. Бироқ ҳаётда кам бўлса-да шундай аёллар ҳам борки, уларни ким деб аташга ҳайрон бўласан киши. Қонунбузарлик қилаётган, жиноятга қўл ураётган аёллар борлиги ғоят ачинарлидир. Қарши шаҳар прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси Алишер Дўланов билан қилган мулоқотимиз ана шу мавзуда бўлди:

— Иш жараёнида учраб турадиган хотин-қизларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши борасида гапирадиган бўлсам, шаҳримизда ўтган 2000 йилда 66 нафар аёл томонидан 63 та жиноят содир этилган. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, бу фактлар қаторига маъмурий жавобгарликка тортилган аёллар кўрсаткичи кирмайди.

Айниқса, аёлларнинг ўғирлик, безорилик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларини гапириш нақадар оғир. Гарчи, жиноят кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 тага камайган бўлса-да, бироқ аёллар жинояти ҳар доим эътиборни тортувчи масала бўлиб келганлигини унутмаслик керак.

Қарши шаҳридаги Кўчабоғ кўчаси, 52-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Жавдат Сайфиддинов ўз уйида муқаддам судланган Наталья Юматова билан ноқонуний равишда яшаб келган. Бундан на мавзе вакили ва на маҳалла оқсоқоли хабардор бўлган. Қўни-қўшнилар эса «биров билан нима ишимиз бор» қабилида иш тутишган. Натижада бу эътиборсизлик ушбу хонадонда оғир жиноят содир этилишига олиб келди.

Гап шундаки, 2000 йилнинг 1 январ кечаси ноқонуний эр-хотин спиртли ичимликлар истеъмол қилишади. Арзимаган сапичоқ санчади. Оғир тан жароҳати оқибатида Ж.Сайфиддинов касалхонада вафот этди. Жиноятчи Н.Юматова эса Қарши шаҳар судининг ҳукмига кўра 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Халқимизда ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма, деган гап бор. Лекин баъзи аёллар қўшниларникига ўғирликка тушишдан ҳам тап тортишмаяпти. Масалан, Қарши шаҳрининг 1-митти туманидаги 30-уйда яшовчи, икки нафар фарзанднинг онаси Сабо Хушвақтова худди шундай жиноятга қўл урган. У ўтган йилнинг 31 август ва 1 сентябр кунлари ён қўшнилари Лазокат Саидова ҳамда Ҳулкар Саломоваларнинг уйидан 7000 ва 5000 сўмлик пойабзалларини ўғирлаб чиққан. Воажаб! Она ўз жигар гўшаларини ҳаром луқма билан боқмоқликни лозим топган бўлса?! Табиийки С.Хушвақтова ҳам қилмишига яраша жазосини олди.

Шаҳримиздаги «Юбилей» тижорат бозорига келганларнинг кўпчилиги яқинда антиқа томошанинг гувоҳи бўлдилар. Бу ерда икки хотиннинг «жанг»ги росмана муштлашиш даражасига етди. Тўрт фарзанднинг онаси Марям Муродиллаева қасддан безорилик жиноятини содир этиб, «рақиби» - Рўзихол Холбоевани дўппослаб, қўлларини таниб бўлмас даражада тишлаб ташлаган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, кимсан, аёл кишиларнинг ғоломон кўз ўнгида ёқа йиртишиб-муштлашишини қандай изоҳлаш мумкин...

Баъзи бир хотин-қизлар мўмай даромад топиш илинжида ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш, фирибгарлик ёки қўшмачилик билан шуғулланиш каби жиноятларга ҳам қўл урмоқдалар.

Қарши шаҳар 2-митти туман 23-уйда яшовчи Лидия Палкина очиқдан-очиқ қўшмачилик билан шуғулланиб келган. Шаҳар бедарвоза эмаслигини қонун посбонлари Л.Палкинага «эслатиб» қўйишди.

Биз юқорида тилга олган аёлларнинг кўпчилигида бир нечтадан фарзандлар бор. Бундай оналар болаларининг биринчи душмани уларнинг ўзлари эканлигини англаб етармиканлар?!

Суҳбатдош:
М.ҲАЙИТОВА.

УШАЛГАН ОРЗУ

Санъат

Ўн олтидан ўн еттига қадам қўйган чоғидаёқ юлдузга айланган Ю.Ризаева 75-йилликларини нишонламоқдалар. Ўша ёқимли табассум, ўша самимият, ўша латофат ҳали ҳам кўзга ташланади. Жозиба, эҳтирос ўрнини вазминлик, заковат эгаллаган.

— Юлдуз опа, филмларни тез эскиради, дейишади. Ҳақиқатан ҳам, 20-30 йил муқаддам суратга олинган кино асарларининг кўпчилиги мазмун, шакл, техник жиҳатдан бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. «Тоҳир ва Зуҳра» эса 55 йилдан бери экранда. Ҳамон мириқиб томоша қиламиз. Сизга, асар устида ишлаган бошқа санъаткорларга қайта-қайта миннатдорчилик билдиргимиз келади беихтиёр. Ўша ижод дамларини эслаганингизда кимларнинг сиймоси айниқса ярқираб кўринади?

— Асад ака Исматовни! Қандай инсон эди! Наби ака уларни жуда ҳурмат қилардилар. Бир куни Зуҳра йиғлаши керак бўлган эпизодни суратга олиш жуда қийин кечди. Ҳеч йиғлай олмасам, денг! Шунда Асад ака, яъни менинг отам Бобохонни гавдалантираётган артист, «менга қара» дедилар. Қайрилиб боқмадим ҳам. Жаҳл қилиб турган эдим... «Менга қара, эрка қизим!» деб аста айтдилар яна. Ўгирилиб қарасам, кўзлари ёшга тўла, юзларидан томчи-томчи бўлиб оқаяпти. Кўнглим бўшашиб кетди. Йиғлаб юбордим. Наби ака дарҳол «Мотор!» деб буйруқ бердилар. Ўша кадрлар суратга олиниб, айнан филмга киритилди.

— Бошқа эпизодларда ҳам бечора Зуҳра тез-тез кўз ёши қилиб турадми-ку, - деб сўрадим атайлаб актёрлар билан ишлаш жараёни ҳақида янги маълумот олишни истаб.

— Наби ака жуда уста эдилар. Отамдан 10 ёшимда ажралиб қолганимни билардилар. Шу боис «отанг бўлганида, сени шу ҳолда кўргандами! Ахир кимсан Зуҳрани ўйнаяпсан-а! Қандай севинарди...» деганларида хўрлигим келиб йиғлаб юборар эдим... Бирор марта жаҳл билан бақирган, қаттиқ гапирган пайтлари бўлмаганди. Шу боис уларни устоз, тенги йўқ режиссёр деб биламан.

— Рол, эпизод устида ишлаш жараёни қандай ўтарди?

— Аввало сценарий ёзилишида муайян актёрни назарда тутардилар. Сценарийнинг режиссёр тайёрлаган нусхасида бу ҳол қайд қилинарди. Суратга олишга тайёргарлик кетаётган дамдан «фалончи рол сеники, тайёрлан», дердилар. Зулфи («Насриддин саргузаштлари» 1946 йил), Дилбар («Фарғона қизи» 1947 йил), Ойбарчин («Алпомиш» 1949 йил), ролларини шу тарзда топширган эдилар менга. Афсус, «Алпомиш»ни олишга улгурмадилар. Москванинг розилигини олиш қийин бўлди... Асад Исматовга, Раҳим Пирмуҳамедовга ҳам шу тарзда ролларни топширганларини биламан.

Ижро жараёни ҳақида сўрадингиз. Режиссёр суратга олинадиган эпизодни икир-чикирларигача ўзлаштириб, аниқ таклифлар билан келарди. Барча актёрлар айтиши керак бўлган сўзларини ёдаки биларди. Наби аканинг бирор марта қоғоз билан павильонда кўрмаганман. Комил Ёрматов сценарий билан, чизилган, ёзилган қоғозлар билан юрарди. Биз актёрларни ясантиришни ҳеч хоҳламасди. Тақинчоқларни кўриб «Ёшликнинг ўзи гўзал! Қўйинг бу темир-терсакни!» деб узук, билакузук, бошқа тақинчоқларга ишора қиларди.

Павильонда сирли бир муҳит яратиб, турли воқеаларни, афсоналардаги гўзал саҳналарни таърифлаб берарди. Шунда ролга кирганингни билмай қолардинг. Жуда ўқимишли бўлиш билан бирга ижод сирларини ўзлаштирган, актёр меҳнатини қадрлайдиган режиссёр эди Наби Ганиев. Актёрларни танлашда талабчанлик

қилишлари сабабли саралланган ижодий гуруҳ билан ишлаш анча осон, қизиқарли ўтарди.

Тоҳир ролини ўйнаш истагида бўлганлар орасида Эсон Каримов ҳам бор эди. У ролга тасдиқланган ҳам эди. Лекин режиссёр «Юлдузхон билан Эсон Каримов ёш жиҳатдан бир-бирига тўғри келмайди. Эсоннинг ёши катта кўринаяпти» деб эътирозларини билдирганлар. Шундан сўнггина Ғулом Тожибоев студияга таклиф этилган.

— Мураккаб вазиятлар бўлганми?

— Кўп бўлган. Масалан, актёрлар гуруҳини Москва, кино вазири тасдиқлаган. Тўғриғи, кўпроқ тасдиқланмаган эди. Шу боис режиссёр мавзуни, сценарийни, ролларнинг ижрочиси бўлмиш актёрларни аста тайёрлаб борарди...

Бундай сўзлар биз учун бугун эриш туюлади. Лекин бор ҳақиқат шу. Истиқлолгина бизга ижод эркинлигини қайтариб берди. Жаҳонга йўл очилди. Биз буни қанчалар орзиқиб кутган эдик.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Шеробод «Кулол» ҳиссадорлик жамияти бутун республикамизни кулолчилик буюмлари билан таъминлайди. Жамиятда уй-рўзғор буюмлари, гул тувак, кўза ва хум каби 50 хилдан ортиқ кулолчилик буюмлари тайёрланади. Ҳозир бу ерда 45 нафар уста кулоллар меҳнат қилади. Улар йилига вилоятлардан буюртма асосида ўрта ҳисобда 7 миллион сўмлик маҳсулотни халққа етказиб бермоқдалар. Бундан ташқари, ҳар йили Тошкент шаҳридан буюртма олиниб, 1 миллион сўмликдан кўпроқ шаҳарликлар хонадонини безайдиган буюмлар тайёрлаб жўнатилади.

Суратда: рассом Зулхумор Файзиева ва бригадир-мураббий Ҳусан Ҳасанов.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

КОЛЛЕЖ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Кегейли тумани марказида 450 ўринли касб-ҳунар қурилиш коллежи фойдаланишга топширилди. Умумий баҳоси 800 миллион сўмлик бу касб-ҳунар коллежини «Кегайлиагроқурилиш» акциядорлик жамияти ва Нукусдаги бир қатор қурилиш ташкилотлари қуриб битказди. Мазкур коллежда қурувчи, газ тармоғи таъмирчилари, ҳисобчи ва ҳуқуқшуносиқтисодчилар тайёрланади.

Коллежнинг фойдаланишга топширилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенгашининг раиси Темур Камолов иштирок этиб, йиғилганларни янги йил ва янги ўқув биноси билан қутлади. Маросимда бино қурилишида фаол қатнашган бир гуруҳ ходимларга Қорақалпоғистон Республикасининг унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзбекистон спорти

УМИДИМИЗ КАТТА

Ҳозир қаерга борманг, ким билан мулоқотда бўлманг барчада кўтаринки кайфият, дилида қувонч ҳислари жўш ураётганлигининг гувоҳи бўласиз. Биз ҳам шундан фойдаланиб спортимиз фидойилари мураббийлар, етакчи атлетлар билан учрашиб, янги аср режалари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

Комилжон ЮСУПОВ, Халқаро кураш ассоциациясининг президенти:

— Истиқлол шарофати билан уч ярим минг йиллик тарихга эга бўлган курашимиз халқаро майдонга чиқди. Икки йил ичида барча қитъаларда кўплаб миллий кураш федерациялари тузилди, катталар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари, халқаро мусобақалар ўтказилди. Эндиликда миллий спорт туримизни олимпиада ўйинлари дастурига киритиш ҳаракатидамиз. Ўйлайманки, 2001 йил кураш йили, янги аср эса кураш асри бўлиш учун барча имкониятлар етарли. Ҳозирда 2001 йилда юртимизда Осиё чемпионати, Будапештда эса жаҳон чемпионатини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз.

Олимпиада сари ҳаракатланган ҳолда 2002 йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтадиган Осиё ўйинларида кўргазмали чиқишлар қиламиз. 2004 йилда Афинадаги ёзги олимпиада ўйинларида эса курашни янги спорт тури сифатида таништирамиз.

Нурхон НАФАСОВ, Каратэ миллий федерациясининг президенти:

— Бугун 152 та мамлакатда каратэ федерациялари мавжуд бўлиб, уни севувчилар сони 250 миллионга яқиндир. Ана шу мамлакатлар қаторида юртимизда ҳам каратэ Президентимиз, ҳукуматимиз ва спорт қўмитаси ғамхўр-лигида йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Модомики, каратэ 2004 йилги олимпиада ўйинлари дастурига киритилган экан, 50-60 йилдан бери ушбу спорт тури билан шуғулланиб келаётган Япония, Франция, Англия, Италия спортчилари билан тенгматенг беллашиб, ғалабаларга эришиш биринчи галдаги вазифаларимиздан ҳисобланади.

Шунга аминманки, Афинадаги олимпиадада ўзбек каратэчилари муносиб қатнашиб, медаллар шодаси билан қайтишади.

Асқар ТОЛИБЖОНОВ, «Пахтакор» (Тошкент) футбол жамоасининг бошлиғи:

— Жамоамиз янги асрга янгича руҳда, салмоқли ўзгаришларни бошидан кечирган ҳолда қадам қўйди. Жумладан, жамоанинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши, клуб фаолиятини юқори профессионал даражага кўтариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида «Пахтакор» футбол клуби қўшма корхонасини ташкил этдик.

Бундан ташқари, янги аср бошларига белгиланган бир талай хайрли режаларимиз бор. Ўйингоҳимизни таъмирлаш, стадион ичида клуб хизмат биноси (офиси) ҳамда футболчилар учун меҳмонхона қуриш, Қибрайдаги ўқув-машғулот базасида «Пахтакор»нинг ўз ўқув мажмуини тиклаш шулар жумласидандир.

Команданинг аввалги шуҳратини тиклаш мақсадида яна ўз қиёфаси ва услубига эга жамоани тузиш, мухлислар, меҳнат жамоалари билан учрашувлар уюштириш ниятидамиз.

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ, бокс бўйича олимпиа, жаҳон ва Осиё чемпиони:

— Болаларни жуда севаман. Она юртим Андижонга борганимда туғилиб ўсган маҳалламнинг болалар футбол жамоаси билан мусобақаларга бирга бораман, машғулот ва ўйинларида қатнашаман. Шу сабаб бўлса керак, келгусида болаларга спорт сирларини ўргатмоқчиман. Мураббийликка қадар эса янги асрда ўзимни профессионаллар даврасида синаб кўриш ниятим бор.

Рустам ҚОСИМЖОНОВ, халқаро гроссмейстер, шахмат бўйича Осиё чемпиони:

— Фан чўққиларини эгаллаш ва шахмат билан шуғулланишни биргаликда олиб боришга ҳаракат қиляпман. Ўзбекистон Миллий университети магистратурасининг биринчи курсида сабоқ олиш билан бирга шахмат бўйича барча йирик мусобақаларда қатнашиб келяпман.

Албатта, «Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас», деганларидек, мақтанишга йўйманг-у, жаҳон чемпиони унвонига эришиш энг юксак орзуим. Бу борада анчагина тажриба тўпладим. Икки марта катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида қатнашдим. Ҳозир жаҳон таснифида ўн учинчи ўринда боряпман.

Янги йилда Германияда ўтказилиши режалаштирилаётган жаҳон, Ҳиндистонда бўладиган Осиё чемпионати ва Ереванда саккизта мамлакат терма жамоалари иштирокида ўтказиладиган жамоалар жаҳон чемпионатларида менга билдириладиган юксак ишончни оқлаш ниятидаман.

Баҳодир САИДОВ, Турон яккакураши республика федерациясининг президенти:

— Ушбу асрда кураш билан бирга Турон якка кураш спорт туримиз ҳам кенг ривожланиб халқаро спорт турига айланишига ишонаман. 2001 йилда Тошкентда Турон яккакураши бўйича норасмий жаҳон чемпионатини ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, Бутунжаҳон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивалида иккинчи бор қатнашиб, яккакурашимизни жаҳон миқёсига ёймоқчимиз.

Билгилки, йўл юришнинг ҳам ўз қоидалари бор ва йўлда кетаётган одам бир неча қоидага риоя қилиши керак, токи кишилар унинг одобли эканлигини ва эҳтиромли кишилар хизматида бўлганини билсинлар. Кишининг борадиган жойлари, юрадиган йўллари кўп, аммо уч мавзеъ киши ҳаётида алоҳида ўрин тутади: бири — катта йўлда юриш, иккинчиси — бозор айланиш, учинчиси — маҳалла-гузарларда юриш.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

БОЗОР, МАҲАЛЛА ВА ЙЎЛДА ЮРИШ ОДОБИ

Агар кўчада юриш одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт: аввал шуки, мақсадсиз, беҳудага кўчада юрмаслик керак. Иккинчидан, оёқланг кўчага чиқиш одобдан эмас. Учинчидан, кеккайиб юриш ахлоқсизликдир. Тўртинчидан, зарурат бўлмаса, кўчада юрган вақтда гапирмаслик маъкул. Бешинчидан, жанжалкаш, фирибгар одамлар яшайдиган, олтинчидан, нопок, нажосат жойларга қадам қўймаслик керак. Еттинчидан, шошиб юрилмасин, фақат жамоат намозига боришда тез юриш мумкин. Саккизинчидан, қадамни катта-катта қўймасдан, бир маромда юриш лозим.

Агар бозорга бориш қоидаси нечта, деб сўрасалар, еттита деб айт: биринчидан шуки, елка билан одамларни туртмаслик, иккинчидан, одамларнинг орқасидан қарамаслик, учинчидан, узоқдан туриб бировни чақирмаслик, дод демаслик, бешинчидан, иши бўлмаган дўкон олдида турмаслик, олтинчидан, сотиб олмайдиган нарсасининг нархини сўрамаслик, еттинчидан икки кишининг савдоси орасига суқулмаслик керак...

Маҳалла-кўйларда юриш одоби нечта, деб сўрасалар, ўн битта деб айт. Биринчидан, ўнгу сўлга ҳадеб қарайвермаслик. Иккинчидан, томларнинг устига, айвонларга қарамаслик. Учинчидан, эшиги очиқ уйларнинг ичига қарамаслик. Тўртинчидан, бошқаларнинг йўлини тўсмаслик. Бешинчидан, одамлар боласига гап отмаслик ва уларни ўпмаслик. Олтинчидан, иши тушмаган жойга бормаслик. Еттинчидан, қўшиқ айтмаслик ва овоз чиқариб, оят, шеър ўқимаслик. Саккизинчидан, эҳтиёт билан юриш, токи бирор жониворни босиб олмасин. Тўққизинчидан, ёши ўзидан катта одамнинг олдидан юрмаслик. Ўнинчидан, иши бўлмаса бировнинг уйи олдида турмаслик. Ўн биринчидан, туҳмат аҳли, яъни одамни беобрў қиладиган кишилар маҳалласига бормаслик.

Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.

Донолар бисотидан

Абу Лайс ас-Самарқандий

ОИЛАДА ОНАНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА

Эй севикли фарзандим, аёлинг фарзанд кўрди, демак она бўлди.

Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам, жаннат онанинг оёғи остиндадир, деганлар.

Аёл кишига энг ҳаққи кўп киши эрдир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши — онасидир.

Ривоят:

Парвардигорнинг марҳамати билан бир косиб йигит маънили ва фазилатли бир қизга уйланибди. Турмуши анчайин тикланиб, эл орасида обрў-эътибори ортибди. Аёлининг истаги билан илм олибди ва амал мартабасига кўтарилибди. У иш билан шу даражада банд бўлибди-ки, кекса, бетоб онасини ахволидан бехабар қолибди. Унинг «Онам хотинимнинг эъзозида» деган хаёли пуч эди. Тадбиркор аёл кекса қайнонасини ярим вайрона қулбада, ўз ҳолига ташлаб қўйганди.

Йигит онасининг ахволидан ниҳоятда ачинибди ва аёлини қойибди:

— Сен онамни нега шу аҳволга ташлаб қўйдинг.

— Ёш болаларингизга қарайми ёки онангиз ифлосини тозалайми? Эрта кетасиз, кеч келасиз, ҳолинг на деб сўрамайсиз?

— Агар онамнинг оғирлиги азоб бераётган бўлса, айт энага ёллай!

— Энди бир ками бир оёғи гўрда онангизнинг ташвиши қолиб, энаганинг қош-қовоғига ҳам қарашим керакми? Кераги йўқ! Майли, онангизга меҳмонхонага жой қилиб бераман...

Аёл айтганидек қилибди.

Бироқ йигитнинг дўстлари меҳмон бўлиб келганларида меҳмонхонага эмас, кичик бир хонага жой тайёрлайдиган бўлибди. Дўстлар бунга кўниколмай, бу хонадондан астасекин қадамларини уза бошлабдилар.

Йигит яна аёлини қойибди:

— Сен мени дўстларимдан бездираяпсан.

— Аё, тавба, мени, ёру дўстларингизни ёки онангизни денг!

Йигит кулбани қайта жиҳозлаб, онасига ўша ерга кўрпа-тўшак қилиб беришга мажбур бўлибди.

Иттифоқо, дарвиш қиёфасидаги бир чол бу ҳовлига ташриф буюриб, кампир ётган кулбага йўналибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Ақл бовар қилмас ҳол рўй берибди. Бир кечада кампир изсиз йўқолибди. Йигит онасини кўп ва хўп излабди, аммо топа олмабди. Дарвишнинг на суратини, на сийратини топибди.

Бир кун туш кўribди. Тушида отаси: «Онангни сенга ишониб қолдирган эдим. Ишончимни оқлай олмадинг» дебди...

Йигит оиласидан, фарзандларидан воз кечишгача борибди. Илло онасининг руҳсорини, меҳрини бошқа кўрмабди.

Ўғилгинам, бу ривоят сенга бир дарс бўлсин. Илло аввал аёлинг, сўнгра онанг чақирса биринчи онангнинг чақириғига лаббай, деб жавоб қил.

«ИҚТИДОР» КЎРИК ТАНЛОВИ

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасалари ижодкор ўқитувчи ва талабалари ўртасида «Иқтидор» кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ижодкор муаллимлари, талабалари яратган тасвирий санъат асарлари намойиш қилинди. Она диёр, табиат гўзалликлари акс этган бетакрор рангин асарлар қалбларни шубҳасиз муҳаббатга, ватанпарварликка ошно этади.

Кўрик-танловда Қарши Давлат санъат билим юрти ўқитувчиси Ш.Примов биринчи ўринга сазовор бўлди. Қарши маданият коллежи ўқитувчиси Ш.Алиқулов ҳамда Баҳористон туманидаги бизнес мактаби ўқитувчиси Н.Ёрматованинг ижодий ишлари эса иккинчи ўринга муносиб деб топилди. Учинчи ўрин Қарши Давлат санъат билим юртининг талабалари Б.Номозов, С.Раҳматуллаев, Х.Зиёвуддиновга насиб этди. Кўрик-танловда Шаҳрисабз педагогика билим юрти ўқитувчиси ва талабаларининг маҳоратлари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Ғолиблар Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ФОЗИЛОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Куни кеча Украинанинг Одесса шаҳрида шашка бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган самарқандлик халқаро гроссмейстер Маркиэл Фозилов ҳар қачонгидан-да муваффақиятли иштирок этди.

Барча баҳсларни ўз фойдасига ҳал қилган вакилимиз жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Шуниси эътиборлики, М.Фозилов бундай юксак номга иккинчи бор сазовор бўлди. Самарқанд шаҳридаги шоҳмот-шашка мактаби раҳбари илк бор 1992 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медал соҳиби бўлганди.

Э.ХОЛБОБОЕВ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вакти - 21.00 Топширилди 23.15

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6